

## **Мавзу: Талаба-ёшларнинг жисмоний чиниқишида соғлом турмуш тарзининг ўрни.**

Сам ИСИ Жисмоний маданият ўқитувчisi.

Коссе Рулен Бекирович.

Сам ДУ 4-курс талабаси.

Коссе Мерьем Нематжоновна.

### *Аннотация*

*Маколада: Талаба-ёшлар ўртасида соғломлаштирувчи жисмоний машқлар билан шўғурланиш орқали улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини ортириши жисмоний машқлар орқали спортнинг борор тури билан мунтаззам равишда шугуланиб юксак натижаларга эришишдан иборат.*

### *Аннотация*

*В статье описываются мысли о значении физической культуры и спорта на здоровье поколения теоретические знания и познания. Помощь населению и развитие физической культуры и спорта. Некоторые пути и мысли по решению задач, и проблем.*

### *Annotation*

*The article illustrates minds about knowledge and experience needing in social protection. Helping to population and improving extension in sphere of service and tourism. Some ways and thoughts for decision tasks and problems.*

**Keyword:** *Theoretic knowledge about tourism, thought, social protection, problems and decision, developing, scan knowledge.*

**Ключевые слова:** *Физическая культура, спорт, знания, мысли, познания проблема и решение, развитие, анализ знаний.*

**Калим сўзлар:** *Жисмоний маданият ва спорт, соғломлаштириши, чидамлилик, эгилувчанлик, ўзига ишонч, жисмонан бақувват, тетик.*

Талаба-ёшларини саломатлигини мустахкамлаш ва уни чиниқтириш кўп омилларга боғлиқ. Маълумоти соғлом турмуш тарзида талаба-ёшларнинг фойдали иштимоий-маъхнавий фаолияти, ўкув тарбия жараёни, яшаш ва жисмоний камол топиш учун зарур бўлган энг муҳим хусусиятлар ўз ифодасини топади.

Соғлом турмуш тарзида талаба-ёшлар саломатлигини мустахкамловчи-оқилона кун тартиби, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг узвий мутаносиблиги, жисмоний мадания ва спорт билан мунтаззам шуғуланиш, улар организмини чиниқтиришда табии омиллардан оқилона фойдаланиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига риоя қилиш, заарли одатларга берилмаслик қаби жихатлар мужасамлашган. Соғлом турмуш тарзини ташкил этиш

борасида олиб борилган махсус сўровнома ва тадқиқотлар нисбатдан бефарқликнинг қўйидаги сабаблари мавжудлигини кўрсатади.

- Ёшларда таълим жараёнида соғлом турмуш тарзини шакиллантиришнинг илмий асосларига риоя қиласлик.
- Ёшлар ўртасида уларнинг маънавий ва жисмоний қобилятларини такомиллаштиришда соғлом турмуш тарзи.
- Ёшлар саломатлигини мустахкамлаш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила ўқув юрти жамоатчиликнинг тасирчан хамкорлиги тўғри йўлга қўйилмаганидан.
- Талаба-ёшларнинг таълим-тарбия жараёнида соғлом турмуш тарзига зид бўлган кам характеристикиниш баднафслик шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қиласлик зарарли одатларнинг маънавий жисмоний ва иқтисодий зарари тўғрисида талаба-ёшларга илмий асосланган билимларни тушунтирумаслик. Юқоридаги билдириб ўтилган тавсиялар ўз навбатида талаба-ёшлар саломатлигининг ёмонлашувига тана аъзоларининг ташқи салбий тасирларга нисбатдан қаршилик кўрсатишнинг сусайишига жисмоний жихатдан тўлақонли ривожланмаслигига турли ҳил касаликларга берилишга сабаб бўлишининг мохиятини тушунтиришни тақоза қиласли.

Шу билан бирга бундай холатларнинг олдини олишда жисмоний тарбия спортга ва оммавий соғломлаштириш тадбирларга талаба-ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида кенг тарғибот-ташвиқот ишларин йўлга қўйиш хам муҳим ахамият касб этади.

Маълумки, хар биримиз узоқ ва соғлом яшаш учун соғлом турмуш тарзининг муҳимлигини тушунамиз. Аммо, хамма вқт ҳам унга етарли эътибор бермаймиз ва юриш туришимизни соғлом турмуш тарзи асосида ташқил этмаймиз. Мустақил республикамизда хозирги кунда энг муҳим жисмоний масалалардан бири аҳолимизни саломатлиги хақида ғамхўрлик қилишдир. Чунки соғломлик, саломатлик фақат шахсий иш эмас, балки умум жамият иши, қолаверса, ижтимоий- иқтисодий, ташкилий-педагогик, ахлоқий муаммо ҳамдир. Халқимиз “эл саломатлиги-юрг бойлиги”, “соғлигинг-бойлигинг”, “соғлом танда соғ ақил” каби нақилларни бежиз ишлатмаганлар. Бу муаммо жамият аъзоларининг умуммаданият, ахлоқий ривожланганлик даражаси билан боғлиқдир.

Илмий жихатдан исботланганки, шахснинг хар тамонлама жисмоний баркамоллиги ва умир кўриши шахсий ҳамда ижтимоий гигиена, иш ва даи

олишнинг, овқатланишнинг мутаносиб режими, хар куни мунтазам жисмоний машқлар билан шуғуланиш, кўп овқат истемол қилмаслик, чекиш, алкогол ичимликларни қобул қилишдан ўзини тийшга бориб тақалади. Шу билан бирга ойлада моътадил ахлоқий-психологиг мухит, ўқиши ва иш жойидаги муносабатлар, иш ва турмушда юксак интизом, меҳнатни тўғри ижодий ташқил этиш хам мухимдир. Буларнинг хаммаси кишига ижодий хислат ва яхши хаётий звқ бағишлиб, хўш кайфият яратади, бу шубҳасиз умирни узайтиради. Ижобий хис-туйғулар инсоннинг ўзига ва бошқаларга, дунё муносабатини, тананинг ташқи тасирига қарши курашувчанлигини кучфайтиради.

Хиссий жараёнлар салбий ёки ижобий бўлиши кишининг эҳтиёжи ва уни ўраб олган шахсларга муносабатидаги йўналишига боғлиқдир. Инсон ҳаётоидаги салбий хислар, ёмон кайфият, жахил чиқиши, кувонч, қониқиши, завқланиш холатлари билан алмашиши табиий. Аммо, бу хаёт умр учун хавфли эмас. Лекин, узоқ вақт узлиksиз қайғуриш, ёмон хисиётлар тасирида бўлиш касаликка, қон босимининг ошишишига, юрак-қон томирлар, инфаркт миокардига, атересклероз, ош қозон ичак, тери ва бошқа хил касалликларга сабаб бўлади. Талаба-ёшлардаги салбий хислатларни бартараф қилишда ижодий меҳнат, фаол харакат, дам олиш, саънат, табиат билан мулоқот, севган иш билан шуғуланиш, жисмоний машқлар мухим ўрин эгаллайди. Инсон ўз хисиётини ирода қиласи ва тарбиялай олади. Хисиётни тарбилаш деганда, салбий хисларга ён бермаслик, унинг организмга тасирини пасайтириш, организм ўз кучини тиклашини таъминлашини тушуниш лозим. Шунинг учун хисиётни тарбиялаш инсоннинг ёшлигидан бошланиб, бутун хаётида даво этиши керак. Инсондаги ижобий хисиётларни устиришда эстетик тарбия билан бирга жисмоний машқлар ҳам мухум ахамиятга эга. Жисмоний машқлар талаба-ёшлар организмининг функциясини ва унинг гавдасини такомиллаштиришда бенихоят мухум бўлиб, унинг соғлигини мустахкамлайди, жисмоний қобилияtlарини ривожлантиради, шу билан бирга, талаба-ёшларнинг маъвий камолоти, унинг ахлоқий-иродавий сифатларини ўстиради.

Жисмоний машқлар таъсирида кучнинг мускуллар тизими мустахкамланада, сукъ ва мускулларни боғловчи қисимларнинг харакатчанлиги ошади, модда олмашинуви кучайб, туқимоларда оксисланиш жараёни ривожланади. Жисмоний машқлар мабойнида мускуллар торайб, кенгайб, бушашиб, ҳдди кичик насослардек юракнинг ишини осонлаштириб, қон айланишини яхшилайди. Талаба-ёшлар мунтаъзам равишда жисмоний тарбия ва спорт билн шуғурланиб, ўзларида чаққонлик, эпчиллик, абжирлик,

тезлик, кучлилик, эгилувчанлик мувазанатни сақлай олиш, чидамлилик каби сифатларни устирадилар. Шунинг учун ҳам мунтазам жисмоний машқлар билан шуғуланмайдиган талаба-ёшлар тез касалликка чалинадилар. Кам харакатланиш, харакат фаолиятини чегаралаш организимни етарли тоза хаво билн таминлай олмайди ва бу табийки, талаба-ёшлар ва инсонлар саломатлигига салбий тасир этади. Шундай экан, жисмоний тарбия ва спортни ўзимизнинг танамизга дўст деб билишимиз зарур.

Талба-ёшларни жисмоний ва рухан чиниктириш иродаси тобланишида шижаат ва жасорат сохибига айланишида жисмоний маданият ва спортнинг ўрни катта. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мамлакатнинг ҳалқаро майдонда нуфузи ва обрўсини оширишда ҳам спорт улкан имкониятларга эга. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор змирида ана шу эзгу мақсад мужассам. Соғлом авлод-жисмонан соғлом маънан баркамол зарарли таъсирлардан салбий иллатлардан холи соғлом фикирли авлод бўлсагина ўз юртини дунёга танитади. Жисмоний тарбия ва спорт талаба-ёшлар учун ўз-ўзини кашф этишнинг бир воситасидир. Талаба-ёшлардаги бу тарбияни шакллантириш, спортга бўлган иштиёни бунданда ошириш, ўз вақтида уларга тўғри йўналиш бериш, спортнинг бирон тури билан шуғурлантириш, спортчи талаба-ёшнинг ўзига ишончи баланд, жисмонан бақувват, тетик бўлишида, унинг устоз ўқитувсиси, ота-онасининг ҳам хиссаси катта бўлиши керак.